

## Қуръонга эҳтиром (бешинчи мақола)

Image not found or type unknown



11:20 / 09.09.2019 2939

Инсониятни ҳидоятга чорловчи, самовий китобларнинг сўнггиси, тиловати ҳам, ҳифзи ҳам, эҳтироми ҳам ибодат, олдинга қўйганларни жаннатга бошлаб боровчи, ортга қўйганларни эса жаҳаннамга ҳайдаб боровчи ҳужжат, мусулмонларнинг ҳаёти дастури, мўминларга хушxabар берувчи, кофирларни огоҳлантирувчи, Раббимизнинг мўъжиза каломи бўлмиш – Қуръони каримга ҳурмат кўрсатиш ҳақида берилаётган мақолаларимизнинг сўнгги қисмини Аллоҳнинг тавфийқи ила ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Тўртинчи қисмнинг сўнггида Каломуллоҳни хатм қилган қори дуо қилиш учун аҳли оиласини жамлаши ҳам Аллоҳнинг каломига кўрсатилган ҳурмат намунасидан деб айтилган эди. Шунга илова тарзида:

- 1. Абу Бакр Анбарий раҳимаҳуллоҳ шундай зикр қилади: бизга Идрис хабар қилди, бизга Халаф ҳадис айтди, бизга Вакиъ Мисъардан ҳадис айтди, у Қатодадан: Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу қачонки Қуръонни хатм қилса оиласини йиғар ва биргалашиб дуо қилар экан. Шунингдек, Мужоҳид, Уббода ибн Абу Лубоба ва яна уларнинг бир қанча замондошлари қачонки Қуръон хатм қилиш учун қўлларига мусҳаф олса оиласига “тайёр туринглар, хатми Қуръон пайтида Аллоҳнинг раҳмати нозил бўлади”—деб огоҳлантириб қўйишар экан. Иброҳим ат-Таймий айтади: Кимки Қуръонни кундузнинг аввалида хатм қилса унга фаришталар то кун кеч киргунча саловат айтиб туришади. Туннинг аввалида хатм қилганларга эса тонг отгунча саловат айтиб туришади. Салафи солиҳлар кундузнинг ҳам туннинг ҳам аввалида хатм қилишни мустаҳаб санардилар.
- 2. Қуръон оятларидан таъвиз (тумор) ёзиб олинганда у билан ҳожатхонага кирмаслик; **Лекин, тери ё кумушдан махсус ғилофланган бўлса у билан киришнинг зарари йўқ.**
- 3. Қуръон оятларини ёзиб, сўнгра уни сувга чайиб ичганда ҳар бир хўпламида “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” демоқ ва олий ният қилмоқ; **шундай қилинса Аллоҳ унинг ниятига етказди деб умид этилади. Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ айтган: Қуръон оятларини ёзиб уни беморга ичиришнинг зарари йўқ. Ал-Боқир Абу Жаъфар айтган: кимки қалбида қасоват (юрак сиқилиши)ни хис қилса Ёсин сурасини бир идишга заъфарон билан ёзиб ичсин. Байҳақий. Шўъаб ул-иймон.**
- 4. Қуръони карим сураларини тилга олганда “сурача” деб айтмаслик; **Маккий раҳимаҳуллоҳ айтишича, Абулолия “катта сура, кичкина сура” деганларни хушламас экан. Бир одам “кичкина сура” деганда унга қарата танбеҳ оҳангида: “сен ундан ҳам кичкинасан” деган экан.**
- 5. Қуръон тиловатини ҳар қандай бошқа машғулотлардан афзал билмоқлик;
- Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Парвардигор азза ва жалла: “Қуръон ва менинг зикрим кимники мендан сўрашдан машғул қилиб қўйса, унга бошқа сўровчиларга берилгандан афзалини бераман”, дейди. Аллоҳ каломининг бошқа каломларга нисбатан фазли Аллоҳнинг махлуқотларига нисбатан бўлган фазли кабидир!” Термизий.**

Аллоҳнинг каломини улуғлаган кимсани Аллоҳ ташлаб қўймайди. Қуръонни улуғлаган ўзи ҳам улуғ бўлади, даражаси юксалади! Халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинди,

أَمْ أَوْقَاتُ الْبَاتِ كَالْأَدْوَابِ غُفْرِي هَلْ لِي نِيْلًا قَدْ مَسَّ وَهَيْلٌ عُلَّ لِي لِي صَوْمُ كَيْبَنٍ نِيْلًا أَمْ :  
هَجَامٌ نُبَاوُ، مَسْمُوهٌ أَوْرَ - نِيْلِي رَخَّ آوَبُ غَضِي وَ

Ҳой! Албатта, Набийингиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳақиқатда айтди: **Албатта, Аллоҳ бу Китоб билан баъзи қавмни юксалтиради ва кимларнидир пастлатади!** *Имом Муслим ва Ибн Можа.*

Яратган Мутакаллим Раббимиз Ўз каломини муносиб тарзда эҳтиром айлашимиз учун тавфиқ берсин! Қуръон билан фақат кўтарилиш насиб этсин! Қуръон билан тубанликка кетадиганларга қўшилиб қолишдан Ўзи асрасин! Омин!

*(Тамом)*

**Авазбек Мўминов**

**Андижон шаҳар «Чинор» жоме масжиди имом хатиби**